

Абу Бакранинг васияти



08:00 / 16.09.2020 2317

Абу Бакранинг ўлими яқинлашгач, «Васиятимни ёзинглар», деди. Котиб келиб, унинг айтганларини ёза бошлади: «Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаси Абу Бакранинг васиятидир..». Абу Бакра розияллоҳу анҳу: «Тўхта. Ўлим олдидан ҳам куням ёзиладими? Буни ўчириб ташла, бошқатдан ёз: «Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлоси Нуфайъ Ҳабашийнинг васиятидир. У Робби Аллоҳ азза ва жалла, Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, дини Ислому, қибласи Каъба эканига гувоҳлик беради. У Аллоҳ азза ва жалладан Унинг тавҳидини эътироф қиладиганлар, рубубиятини (Парвардигорлигини) тасдиқлайдиган, У Зотнинг ваъдаси ва ваъдига қаттиқ ишонадиганлар, азобидан қўрқадиганлар, раҳматидан умид қиладиганлар умид қилган нарсани сўрайди. У Зот раҳмлиларнинг раҳмлисидир».

«Солиҳлар гулшани» китобидан